



" 21 " декабрь 20 10 у. № Б.А/31-01/2-34-17/699

" " 20 у. №

**Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича
Ғазначилик бошқармаларига**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги Сизга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 17 июнда 2112-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 6 майдаги 39-сонли “Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” ги буйруғини йўлламоқда.

Ушбу Низом вилоят Ғазначилик бўлинмаларидаги молиявий ресурсларни бошқариш ва йиғма таҳлил қилиш бўлими, туман (шаҳар) Ғазначилик бўлинмаларида эса молиявий ресурсларни бошқариш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича мутахассислар фаолиятига тааллуқлидир. Шу билан бирга, кейинчалик харажатлар тўлови рухсатномаси (ХТР) беришда, ҳамда Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқаришда ушбу Низом талабларига қатъий амал қилиш зарурдир.

Шунингдек, ХТР бериш механизми бўйича янада яхшироқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида кўрғазмали намойишни Сизга йўлламоқдамиз. Юқоридаги Низомнинг давлат тилидаги электрон шакли, ҳамда кўрғазмали намойиш (Microsoft Outlook) электрон почтаси орқали вилоят Ғазначилик бошқармалари бошлиқлари, ҳамда юқорида кўрсатилган бўлим ходимлари манзилларига жўнатилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Низом талаблари ва кўрсатмалари билан вилоят, туман (шаҳар) Ғазначилик бўлинмалари барча ходимларини таништириб чиқиш зарурдир. Вужудга келган саволлар билан Молия вазирлиги Ғазначилиги методолия, молиявий ресурсларни ва ҳисобларни бошқариш бошқармаси молиявий ресурсларни бошқариш бўлимига 239-40-68, 239-42-67 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага асосан “Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва

бошқариш тартиби тўғрисида”ги Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Молия вазирлиги тегишли бошқармалари билан келишилгандан сўнг, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Сизга Адлия вазирлигида тасдиқлангунча хат билан йўлланади. Шунингдек, Сизга мазкур Низом иловаларининг янги ўзгартирилган шакллари электрон почта орқали йўллаймиз (илова 12-варақда).

Ғазначилик бошлиғи -
Молия вазири ўринбосари

 Б. Ашрафханов